

## 95. Зухд ва ҳаё



13:58 / 24.03.2015 4895

### Зухд ва ҳаё

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қаламларига мансуб «Зухд ва ҳаё» деб номланган китоблари.

### **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салавотлар ва дурудлар бўлсин!

«Исломинг мадори бўлган ҳадислар» деб номланган силсиламининг биринчи, иккинчи ва учинчи рисолаларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мужтаҳид уламолар томонидан Исломинг мадори деб тан олинган тўртта ҳадиси шарифларини имконимиз борича ўрганган эдик. Ушбу рисолада Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда аввал бошлаган ишимизни баҳоли қудрат давом эттириш ниятидамиз.

Бу ожизона ишимизда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

«Исломинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг

аввалги уч рисоласида «Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир», «Ҳалол очиқ-ойдиндир», «Дин насиҳатдир» ва «Киши Исломининг гўзаллиги» ҳадислари қўлдан келганича шарҳ қилинди. Мазкур тўрт ҳадиси шариф ҳам мусулмон банда ҳаётининг кўпгина соҳаларини ўзига қамраб олган эди. Уларда фикҳ, руҳий тарбия ва бошқа соҳаларда сўз юритилди.

Жамият ҳаётидаги турли ҳолатларга оид масалалар хусусида баҳс кетди. Ушбу рисоламизда ўрганмоқчи бўлиб турган ҳадиси шарифларда баҳс юритиладиган мавзулар аҳамият жиҳатидан аввалги тўрт ҳадиси шариф савиясига яқин бўлса ҳам, қамров жиҳатидан ҳар бир ҳадиснинг мавзуси билан чекланади. Ушбу ри-соладаги биринчи ҳадис зуҳдга, иккинчиси ҳаёга бағишлангандир.

**Муаллиф:** Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Номи:** «Зухд ва ҳаё»

**Нашриёт:** «HILOL NASHR» Нашриёти

**Сана:** 2015

**Ҳажми:** 176 бет

**ISBN:** 978-9943-4448-5-0

**Ўлчами:** 84×108 1/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3756-сонли хулосаси ила чоп этилган

## **Мундарижа**

### **Биринчи ҳадис**

Ҳадиснинг хусусиятлари

Ҳадиснинг шарҳи

Зухдга оид оятлардан намуналар

Дунёнинг арзимаслиги ҳақидаги ҳадислар

Зоҳидлик асосидаги набавий тарбия

Дунё ва унинг матоҳларини ёмонлашга

оид матнларга хулоса

Улуғ зотлар ва зуҳд

Зоҳидларнинг фикрлари ва хулосалари

Зоҳидликнинг фойдаларидан

Иффатнинг турлари

Хулоса

**Иккинчи ҳадис**

Ҳадиснинг шарҳи

Ҳаёнинг маъноси ва таърифи

Ҳаё ҳақидаги ҳадислардан намуналар

Аллоҳдан ҳаё қилиш нимани тақозо қилади?

Ҳаё яратилишда бўладими ёки кейин касб қилинадими?

Салафи солиҳлар ва ҳаё

Амри маъруф ва ҳаё

Ҳаё нимадан пайдо бўлади?

Ҳаёнинг фойдаларидан

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар